*Яхши ишлаб, яхши яшаётганлар*

# ҚИЗИЛРАВОТ ЯЙЛОВЛАРИДА

Енгил шивалаб ёққан ёмғирдан сўнг, борлиқ янада яшнаб, яшариб кетди. Олис қирлар оша эсаётган сабо майса ҳидини димоққа уфуради. Қишнинг енгил келиши отарни кун бўйи яйловларда боқиш имконини берди.

Уйчидаги «Қизилравот» жамоа хўжалиги яйловлари. Тажрибали чўпон Мамбетали Бобонов тепаликдан яйраб ўтлаётган сурувга меҳр билан тикилади. Кўпнинг бахтига бу йил ўт-ўлан сероб бўладиган кўринади. Очиқ кунларнинг кўплиги қўзилатиш мавсумини уюшқоқлик билан бошлаш имконини берди.

— Соҳа жонкуярлари кеча-ю кундуз тиним билишмаяпти, — дейди Мамбетали оға. — Жами 350 га яқин қўй парваришланмоқда. Совлиқлардан фақат дуркун қўзи олишга эришилмоқда.

Машина ўркач-ўркач йўллардан манзил томон одимлайди. Мусаффо ҳаво, қўзиларнинг ёқимли мараши, чўпонлар чеҳрасидаги мамнунлик кайфиятимизни чоғ этди. Раҳбару мутахассислар катта сулола вакили Таланбек Бобонов ҳақида илиқ гапларни айтишганди. У билан дилдан суҳбатлашдик. Чорвага ем-хашак ва сув олиб келган механизатор Қирғизбой Қозоқов ниятимизни англаб дил сўзларини баён этди:

— Чўпонларга қулай шароитлар яратиб берилган. Махсус кийим-бош, рўзғор учун неъматлар муҳайё этилган. Етарли миқдордаги техника мушкулимизни осон этмоқда. Изғирин, бўрон турган кезлари Таланбек аканинг тажрибаси, қатъиятлилиги қўл келмоқда. Чўпонлар сардори бугун шамол қаердан эсади, сурувни ўтлатиш учун қайси яйлов қулай ҳаммасини яхши билади. Бу ҳислатлар унга отасидан ўтган.

Адир ён бағирларида ўйноқлаб юрган қўзилар беихтиёр эътиборимизни тортди. Т.Бобонов отаридаги 160 бош совлиқнинг аксариятидан тўл олинди. Уларнинг ҳаммаси ўстиришга қолдирилди.

Ҳар касбнинг ўз гашти, машаққати бўлади. Чўпонлик бир қарашда осон туюлса-да, бироқ бу масъулиятли юмушни иродали, эътиқодли кишиларгина уддалай оладилар. Шубҳасиз, катта сулола бошлиғи Ўскан ака билан учрашувни интиқ кутдик. Жиддий қиёфали, камгап бу яйлов дарғаси ўзига хос тажриба мактабини яратган. Ўскан оға ўн фарзандни тарбиялаб вояга етказди. Биз билан ҳамсуҳбат бўлган куни кайфияти чоғ экан. Сабабини сўраганимизда:

— Ўзингиз сезаяпсиз, бугун чўпонга омад кулиб боққан. Топиш-тутишимиз жойида. Шахсий қўйларимиз ҳам кўпаймоқда. Уйларимиз газ, электр энергияси билан тўла таъминланган. Мустақиллик шарофати туфайли ҳаётимизда, қишлоқларимизда туб ўзгаришлар содир бўлаяпти. Президент Фармонлари меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялашнинг мустаҳкам таянчига айланган. Шу боис сафимизга қўшилаётган ёшлар ой сайин кўпаймоқда.

Донгдор чўпон фарзандлари Аҳмадали, Мамбетали, Таланбеклар ота изидан бориб, чорвачиликни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Ўскан оға вақти-вақти билан отарлардан хабар олиб туради. Таланбек бу йил сўзининг устидан чиқадиган кўринади. 200 бош совлиқнинг ҳар юзидан 105 тадан албатта насл олинади. Чорва учун озуқа етарли. Айниқса, ем, беданинг сероблиги қўйлар этига-эт қўшмоқда.

Ҳа, Қизилравотлик чўпонлар яхши ишлаб, яхши яшамоқдалар. Бу ерда кексалар иззатда, тўйу тантаналар улар бошчилигида ҳавас қиларли даражада ўтказилади. Муҳими отарга-отар қўшилмоқда. Бу маъмурчиликнинг муҳим омилидир.

**Маҳамаджон ҚОДИРОВ**





*Буюк Ипак йўли бўйлаб*

## ИШ УЧ СМЕНАДА

**Андижонлик йўлсозлар ўтган йили Қамчиқ довонида амалга оширган ишлар таҳлили бундан буён ҳам шу тариқа яхши меҳнат қилиб, «Тошкент-Андижон-Ўш-Қашқар» йўлининг ўзларига бириктилган қисмини муддатидан илгари қуриб битказиш мумкинлигидан далолат беради.**

Бундай хулосага бежиз келинаётгани йўқ. Ўтган йили «Андижонавтойўл» бирлашмаси жамоаси Қамчиқ довонида режалаштирилганидан қарийб бир ярим марта кўп — 2 миллиард 193,5 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажарди. Йўлнинг беш километрлик масофасида автомагистрал 12 метрга кенгайтирилди. Бу эса, трассанинг транспорт ўтказиш имкониятини анча оширди. Участканинг барча зарур жойларида жаҳон андозаларига мос келадиган хавфсизлик тўсиқлари ўрнатилди.

Андижонлик йўлсозлар «Резак» ва «Қамчиқ» тоннеллари қурилишида ишни уч сменада ташкил этди. Довонда иккита темир-бетон заводининг ишга туширилиши йўл қурилиши суръатини тезлатиш ва иш сифатини ошириш имконини берди.

*Қариси бор уйнинг париси бор*

## СУЯНГАН ТОҒЛАРИМИЗ

Ўтган йил «Нуроний» жамғармаси Касби туман бўлими учун ўзгаришларга бой бўлди. Жамғарма бошланғич ташкилотларининг сони 43 тага кўпайди. Унинг раҳбарлари сифат жиҳатидан такомиллашди. Сентябр, октябр ойларида ўтказилган аттестация-саралаш даврида 17 ташкилот раислари ёш, ташаббускор кадрлар билан алмаштирилди. 6 та маҳаллада янгидан бошланғич жамоатчилик марказлари ташкил этилди. Ўтган вақт ичида жамғарма аҳолининг қувонч ва ташвишларига шерик бўладиган, миллий расм-русумларни яхши биладиган, элга хизмати сингган, эътиборли отахон ва онахонларни ўз сафларига бирлаштирди.

Хўжалик, ташкилот ва идоралар ўз нафақахўрларига ғалла, чорва моллари учун ем-хашак тарқатиш, уй-жойларини таъмирлаш борасида саховат кўрсатмоқдалар. Айниқса, А.Навоий номли, С. Насафий номли, Т.Малик номли, Х.Хўжақулов номли жамоа-ширкат хўжаликлари, «Ғалаба» кооператив (ширкат) хўжалиги, туман «Матлуботсавдо» очиқ ҳиссадорлик жамияти, Касби пахта тозалаш очиқ ҳиссадорлик жамияти, туман халқ таълими бўлими, марказий касалхона каби ташкилотлар ўз фахрийларини доимий равишда йўқлаб, уларнинг иззат-ҳурматларини жойига қўйиб келмоқдалар.

«Нуроний» жамғармаси туман ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, Халқ Демократик партияси туман Кенгаши, халқ таълими бўлими билан биргаликда мактабларда, хўжаликларда турли хайрли тадбирларни уюштирдилар. Тўшакда ётиб қолган беморлар, юз ёшга кирган кексалар, кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олиш учун «Ғамхўрлик» рейди уюштирилди. Янги йил муносабати билан камхарж оилаларнинг фарзандларига Президент совғасаломлари улашилди.

Ўтган йил давомида жамғарманинг 7 та ишлаб чиқариш кичик корхонаси фаолият кўрсатди. Улар томонидан 6809 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва аҳолига 3763 минг сўмлик маиший хизмат кўрсатилди. Шундан 152,400 сўми вилоят «Нуроний» жамғармасига ўтказилди.

«Нуроний» кичик савдо корхонаси бошлиғи Э. Ҳазратқулов рўза олдидан 7 нафар кишига шакар ва бошқа маҳсулотлар тарқатди. «Товус» савдо кичик корхонаси бошлиғи М.Аҳматов 5 ўқувчига дарслик, кийим-бош олиб берди ёки «Ястепа» фермер хўжалиги (бошлиғи Отабек Холов) 20 гектар ернинг ҳар гектаридан 37 центнердан ғалла олиб, режадан ортиқчасини (3000 килограмм донни) 15 кишига натура ва ёрдам тариқасида тарқатди. Худди шунингдек Новқат қишлоғидаги «Маданият» фермер хўжалиги (бошлиғи Хуршид Мейлимуродов) гектаридан 40 центнердан пахта олиб, режани ортиғи билан бажарди. Жамғармага 100 минг сўм ўтказди. «Хизмат» кичик корхонаси 73 минг, «Гилқор» кичик корхонаси эса 57400 сўм ажратди. Юқоридаги ажратмалар ҳисобидан ўтган йили жамғарма фахрийларга 34 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатди. Яқинда юз ёшга кирган Мангит момо Хўжаниёзовага эсдалик совғаси берилди.

— Бундан кейин ҳам фахрийларимизнинг бир асрлик тўйларига жамғарма ўз ҳисобидан кўмак бераверади, — дейди жамғарма раиси Амир Холов.

«Нуроний» жамғармаси раёсати амалдаги йилда ҳам бир қатор эзгу ниятларни амалга оширишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Жамғармага қарашли кичик корхоналар сонини кўпайтириш ва мавжудларини самарали ишлашига эришиш, туман мудофаа, ижтимоий таъминот бўлимлари, хўжалик, ташкилот ва ўзўзини бошқарув органлари билан ҳамкорликда I-гуруҳ уруш ногиронларини ва юз ёшга кирган фахрийларни суратга ва видео тасмага тушириб, уларнинг расмларини шон-шуҳрат музейига қўйиш, Аёллар йили муносабати билан туман хотин-қизлар қўмитаси, туман халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда боғча ва мактабларда «Ҳаёт онадан бошланади» мавзуида тарбиявий-амалий тадбирлар уюштириш, қишлоқларни имкон даражасида ободонлаштириш, дон, пахта, мева, полиз, сабзавот, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ёки ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида иштирок этишларини таъминлаб, бой тажрибаларидан фойдаланиш — «Нуроний»нинг асосий мақсадларидандир.

— Маълумки, мамлакатимиз Президенти 9 майни Хотира ва қадрлаш куни деб белгилашни таклиф этди. Эндиликда «Хотира» китобига кирмай қолган марҳум жангчиларнинг номларини, қариндош-уруғлари, ўзини-ўзи бошқариш органлари, туман мудофаа бўлими орқали аниқлаш ва уларнинг хотираларини тиклаш олдимизда турган долзарб вазифадир, - дейди Амир ака.

Ҳа, ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиган кекса авлод қалби доимо уйғоқ. Бу авлод вакиллари юртбошимиз умид боғлаётган иқтидорли, имон-эътиқодли ёшларни вояга етказмоқда. Шу сабабдан «Нуроний» жамғармаси туман бўлими ҳам ўз зиммасида катта масъулият турганлигини юракдан ҳис қилиб, шунга яраша фаолият кўрсатмоқда.

**Жўра ЮСУПОВ.**

## ШАРТНОМА АСОСИДА

Гулистон шаҳрида 24 оилага мўлжалланган замонавий уй фойдаланишга топширилди. Барча қулайликларга эга бўлган бу уйни тез ва соз қуришда Фарғона хўжалик ҳисобидаги қурилиш ташкилоти бинокорларининг хизмати катта бўлди. Шартнома асосида фаолият кўрсатган мазкур жамоа кучи билан қурилиш соҳасида 52 миллион сўмликдан кўпроқ иш бажарилди.

## ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ ОРТМОҚДА

Сирдарё вилоятидаги «Лечива-Фармсаноат» Ўзбекистон-Чехия қўшма корхонаси ташкил этилганига эндигина бир йил бўлди. Корхона иш бошлаши биланоқ хорижлик шериклар бу ерда ишлайдиган мутахассисларни ўқитди, уларга сертификат берди. Тез орада дори-дармон ишлаб чиқарадиган ва қадоқлайдиган мосламалар, технологик линиялар ўрнатилди.

Корхонада дастлаб 3 хилдаги маҳсулот ишлаб чиқариларди. Эндиликда эса маҳсулот тури 17 тага етди. Ҳозиргача 200 миллион сўмлик маҳсулотга буюртма тушди. Бугунги кунда корхонанинг экспорт салоҳияти тобора ошиб бормоқда.

Қўшма корхонанинг истиқбол режалари катта. Ҳадемай корхона қурилишининг иккинчи навбати бошлаб юборилади. Бу тадбир Вазирлар Маҳкамаси қарорига мувофиқ хорижий инвестицияларни жалб этиш республика дастурига киритилган.

**(ЎзА).**

## ФЕРМЕРЛИКНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

**Нишон туманида кейинги 3-4 йилдан буён пахта тайёрлаш режаси бажарилмаяпти. Бунга ҳар ким ҳар хил сабаб кўрсатади. Биров ер ёмон, яна биров об-ҳаво ноқулай келяпти, дейди. Хуллас, турли сабаб ва баҳоналар кўп. Аммо бу баҳоналар ўринлими?**

Биз шу саволга жавоб излаб тумандаги фермер хўжаликларининг кўрсаткичлари билан қизиқдик. Хўжаликлар билан фермерларнинг ҳосилдорлик кўрсаткичлари ўртасида катта фарқ бор экан. Биргина қиёс: туманда ўтган йили ғалладан ўртача 19,2 центнердан (режа 25,4 эди), пахтадан 17,9 центнердан (режа 22 эди) ҳосил кўтарилди. 3-4 хўжаликни ҳисобга олмаганда, тумандаги деярли барча хўжаликлар давлат буюртмасини уддалай олмади. Ўтган йили фаолият кўрсатган 50 та деҳқончилик, 57 та чорвачилик фермер хўжаликлари эса йилни фойда билан якунлади. Масалан, пахтадан фермер Холиёр Мингяшаров 31,4 центнер ҳосил йиғиштириб олган бўлса, Зиёдулла Фармонов ғалладан 50 центнер хирмон кўтарди. Умуман, тумандаги фермер хўжаликлари гектар бошига ўртача 29 центнердан ғалла, 28,1 центнердан пахта етиштирди.

Бу таққослаш Нишон тумани ери ва шароити деҳқончилик учун қулай эканлигини кўрсатиб турибди. Қолоқликнинг сабабларини эса бошқа жойдан излаш керак. Бир неча йилдирки, туманда кадрлар етишмаслиги сезилаётир, хўжалик раҳбарларини тез-тез алмаштириш анъанага айланиб бормоқда.

Тумандаги жамоа-ширкат хўжаликларида хўжасизлик, эгасизлик муҳити одамларни ишдан совутган. Фермерлар эса ижарага олган ерга ўз хусусий мулки сифатида қарайди. Меҳнатга муносабат, ерга эгалик ҳисси, пировард натижадан манфаатдорлик уларда бутунлай бошқача. Хулоса эса равшан. Ер тезроқ ўзининг ҳақиқий эгалари қўлига топширилиши керак. Ана шунда саховатли заминимиз мўъжизалар кўрсатади. Дастурхонимиз ҳамиша тўкин-сочин бўлади.

**А.ТАЙПАТОВ,**
**ЎзА мухбири**

# OLAMDA NIMA GAP

**П А Р И Ж. Франция Президенти Жак Ширак билан Германия канцлери Герхар Шрёдер учрашувида томонлар, жумладан, Косово можароси юзасидан ҳам ўзаро фикр алмашди. Улар журналистларга бу муаммони бартараф қилиш бўйича ягона қарашга эга эканини маълум қилишди.**

**— Биз Косоводаги қарама-қарши гуруҳларни можарони тинч йўл билан ҳал қилиш бўйича ўзаро келишувга эришишга чақирамиз, — деди Г.Шрёдер учрашув олдидан. Ж.Ширак ҳам барча халқаро муаммоларни ечиш борасида Франция билан Германиянинг қарашлари муштаракдир, деди. Шунингдек, учрашувда томонлар Европа Иттифоқи фаолияти билан боғлиқ айрим масалаларда ҳам якдилликка эришган.**

* * *

Б Р А Т И С Л А В А. Жорий йилнинг баҳорида АҚШ ҳарбий учувчилари Словакияда тайёргарлик машқларини ўтказишади. Шунингдек, АҚШ ҳарбий ҳаво кучлари самолётлари ғарбий Словакия осмонида парвоз қилади ва улар Малацк шаҳри яқинидаги ҳарбий-ҳаво базасига жойлаштирилади. Словакия мудофаа вазирлиги билан АҚШ ҳарбий ҳаво кучларининг Европадаги вакили бу ҳақда ҳужжат имзолади.

Унга мувофиқ, Америка ҳарбийлари Малацкда бир йилда олти маротаба ҳарбий-тайёргарлик машқларини ўтайди. Мазкур базадан АҚШ ҳарбийлари ҳам фойдаланади, лекин у Словакия мудофаа вазирлиги ихтиёрида бўлади. Америка ҳарбий мутахассисларининг айтишича, АҚШ Словакияда ўз базасини очишни режалаштирмаган.

* * *

**С И Д Н Е Й. Австралиянинг Брисбен ҳамда Гимпи шаҳарларида юз берган сув тошқини натижасида олти киши нобуд бўлди. Юзлаб уйлар вайронага айланди, шаҳарда автомобил транспорти қатнови деярли тўхтаб қолди.**

**Маҳаллий аҳолининг айтишича, сўнгги 100 йил ичида биринчи бор бундай сув тошқини юз берган. Кучли ёмғир ёғиши оқибатида Мэри дарёси сатҳи бир неча метрга кўтарилиб кетган. Тошқиндан кўрилган моддий зарар 2 миллион АҚШ долларини ташкил этади.**

*Шарҳ*

## ИНДОНЕЗИЯ: ШАРҚИЙ ТИМОР МОЖАРОСИ

Маълумки, Индонезия раҳбарияти салкам чорак аср аввал эгаллаб олинган Шарқий Тиморга мустақиллик берилиши мумкинлиги ҳақида гап очган эди. Бу жаҳон ҳамжамиятида муайян қизиқиш уйғотгани билан бирга мамлакатнинг айнан шу ҳудудида турли низоларнинг келиб чиқишига ҳам сабаб бўлмоқда.

Индонезия ташқи ишлар вазири Али Алатаснинг айтишича, агар кенгайтирилган мухторият мақоми бериш Шарқий Тимор аҳолиси ва Португалия ҳукумати томонидан рад этилса, йил охирига бориб Шарқий Тиморнинг Индонезия ҳудудидан буткул ажралиб чиқиши масаласи ҳам муҳокамага қўйилиши мумкин. Мамлакат ҳукумати Шарқий Тиморга кенгайтирилган мухторият мақоми берилиши мумкинлигини ўтган йилнинг ўрталарида эълон қилган эди. Индонезия БМТ шафеълиги остида шу масала юзасидан Португалия билан музокара ўтказмоқда.

Жаҳон ахборот маҳкамалари тарқатаётган маълумотларга қараганда, Шарқий Тиморда қуролли тўқнашувлар ҳали-ҳануз барҳам топмаган. Бу низолар Шарқий Тимор мустақиллиги тарафдорлари ва Индонезия билан интеграцияда қолишни истовчи гуруҳлар ўртасида келиб чиқмоқда. Ҳуқуқни ҳимоя қилиш идоралари маълумотларига қараганда, Шарқий Тиморга кенгайтирилган мухторият мақоми бериш мумкинлиги эълон қилинганидан буён 50 киши сиёсий зўравонлик қурбони бўлган.

Тарихга назар ташласак, Шарқий Тимор воқеаларининг илдизи 70-йиллар ўрталарига бориб тақалишини кўрамиз. Маълумки, Шарқий Тимор Португалиянинг мустамлакаси бўлган, 1976 йили фуқаролар уруши натижасида Португалия маъмурияти вакиллари мамлакатни ташлаб чиқиб кетди ва Шарқий Тимор Индонезия томонидан эгаллаб олинди. Лекин ўшанда БМТ бу қўшилишни тан олмаган. Ҳозирги кунда ҳам Шарқий Тимор Португалия ҳудуди, деб қаралади. Мамлакат ҳудудида ҳали ҳам Шарқий Тимор озодлиги учун курашувчи партизан гуруҳлари махфий иш олиб боради.

Индонезия ҳукуматининг кенгайтирилган мухторият мақоми бериш ҳақидаги таклифи жаҳоннинг етакчи сиёсий арбоблари, хусусан, БМТ Бош котиби Кофи Аннан томонидан маъқулланди. Лекин Шарқий Тимор мустақиллиги тарафдорларининг Австралияда кун кечираётган етакчиларидан бири Жозе Рамуш-Орта Индонезия ҳукумати ҳақида бошқача фикрда. У «Би-Би-Си» телекомпаниясига берган интервьюсида Индонезия ҳукумати Шарқий Тиморга киритилган аскарларни олиб чиқиш ҳақидаги ваъдасини бажариши лозимлигини айтиш билан бирга у бу ҳукуматга ишонмаслигини маълум қилди.

Шарқий Тимор епископи Карлуш Белунинг таъкидлашича, бу ҳудуд ҳали мустақилликка тайёр эмас. Чунки иқтисодий вазият жуда оғир, бюджетнинг 90 фоизи Индонезияга боғлиқ.

Таассуфланарли жиҳати шундаки, Шарқий Тимордаги мустақиллик тарафдорлари билан интеграциялашув истагида бўлганлар ўртасидаги кураш тобора кескинлашмоқда. Ҳар икки томон намойиш ва турли чиқишлар уюштирмоқда, ўзаро тўқнашувлардаги қурбонлар сони ортаяпти. Индонезия армияси раҳбарияти интеграция тарафдорларига қурол-яроғ етказиб берганини тан олди. Мамлакат қуролли кучлари вакилларининг таъкидлашича, қурол-яроғ етказиб берилиши сабаби ҳарбий қўмондонликка бўйсунувчи «фуқаро милицияси»нинг тузилиши ва улар аҳолини турли таҳдидлардан ҳимоя қилиш режасининг бир қисми экани билан изоҳланади.

Жакарта қамоқхоналаридан бирида узоқ муддатли жазони ўтаётган Шарқий Тимор озодлик фронти етакчиси Шанана Гажмау Индонезия ҳукуматини турли гуруҳларни қуролсизлантириб, қон тўкилишининг олдини олишга чақирди. Айрим кузатувчилар бундай мураккаб вазият Индонезияда яна фуқаролар уруши келиб чиқишига замин яратиши мумкин, деган фикрни билдиришмоқда. Вазиятни юмшатиш учун Президент Ҳабибий ҳукумати БМТ илтимосига кўра Шанана Гажмауни уй қамоғига ўтказади. У бутунлай озод этилиб, Шарқий Тиморга юборилса ажаб эмас, деган тахминлар ҳам мавжуд.

Шарқий Тиморнинг тақдири референдум йўли билан ҳал этилмоғи зарур, дегувчилар ҳам йўқ эмас. Президент Ҳабибий бунга жавобан Шарқий Тимор Индонезияга референдум орқали эмас, балки махсус декрет қабул қилиш йўли билан қўшилгани, шу боис референдум ўтказиш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмаслигини таъкидлади.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси**

